



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР: ИХТ ДОИРАСИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ САРИ

Д.Т. Құдратов

Тарих фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Гулистан давлат университеті

Аннотация:

Мазкур мақолада Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг мазмун-моҳияти Эрон Ислом Республикаси мисолида таҳлил этилади. Хусусан, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги тарихий, илмий, адабий ва маданий алоқаларнинг ривожланиш босқичлари кўриб чиқилади. Икки мамлакат ўртасида музейчилик, қўлёзмаларни ўрганиш, таълим, кино ва театр соҳаларидағи ҳамкорлик тажрибаси таҳлил этилиб, маданий дипломатиянинг амалдаги натижалари очиб берилган. Шунингдек, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги маданий интеграция истиқболлари ёритилади.

Калит сўзлар:

Ўзбекистон, Эрон, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти, маданий ҳамкорлик, қўлёзма мероси, музей, театр, таълим, маданий дипломатия, цивилизацион яқинлик.

Abstract:

This article analyzes the nature and significance of cultural cooperation among the member states of the Organization of Islamic Cooperation (OIC), using the Islamic Republic of Iran as a case study. In particular, it examines the historical, scientific, literary, and cultural relations between Uzbekistan and Iran, tracing their development over time. The article explores cooperation between the two countries in areas such as museology, manuscript studies, education, cinema, and theater. It also evaluates the practical outcomes of cultural diplomacy efforts. Additionally,



the prospects for cultural integration within the framework of the OIC are discussed.

Keywords:

Uzbekistan, Iran, Organization of Islamic Cooperation, cultural cooperation, manuscript heritage, museum, theater, education, cultural diplomacy, civilizational affinity.

Кириш. Бугунги глобаллашув шароитида маданиятлар ўртасидаги муроқот ва ҳамкорлик халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва тинчликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзо давлатлари ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш, умумий ислом цивилизацияси меросини асраб-авайлаш ва янги авлодга етказиш долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги маданий ҳамкорлик шундай ҳамкорликнинг муваффакиятли намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мақолада айнан шу муносабатлар таҳлил этилиб, ИХТ доирасидаги минтақавий маданий интеграция истиқболлари баҳоланади.

Асосий қисм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги маданий алоқалар нафақат маданият соҳасида, балки халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этиш лозим. 1991 йил Эрон Ислом Республикаси “Маданий мерос” ташкилотининг делегацияси 8 кун мобайнида Ўзбекистонда бўлиб, маданий ёдгорликларни тамирлаш бўйича ҳамкорликнинг аниқ дастурини ишлаб чиқилди¹.

1992 йили Ўзбекистон ва Эрон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиши билан бирга, маданият соҳасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди².

¹ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, вараг – 5.

² Мехди Санай. Взаимоотношения Ирана и Центральной Азии. Тенденции и перспективы. – Москва: Петербургское Востоковедение, 2017. – С.



Эроннинг Ўзбекистондаги маданий ташаббуслари Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан солиштирилганда энг кам ривожланган ҳисобланади. Бу ҳолат, эҳтимол, икки давлат ўртасидаги тарихан илик бўлмаган муносабатлар натижасидир³. Бунга мисол, 1992 йил маданий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи раҳбарлигидаги республика мутахассислари делегациясини жавоб ташрифи бўлиб ўтиши режалаштирилган эди. Бироқ ушбу хорижий ҳизмат сафари амалга ошмади⁴.

1993 йилда маданият ишлари вазирлигида вазирлик раҳбарияти ва Ўзбекистонга ташриф буюрган Эрон Ислом Республикасининг турли соҳаларда ҳамкорлигини амалга оширадиган ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида суҳбат бўлиб ўтди⁵.

1994-1995 йй – Эронда Алишер Навоий асарларига бағишиланган илмий конференция ўтказилди. Форс тили ва адабиёти бўйича ўзаро ўқув дастурлари мухокама қилинди⁶. Айнан, 1994 йилнинг февраль ойида Техронда Россия ва МДҲ давлатларининг эронистлари ҳамда форс тили ва адабиёти ўқитувчилари иштирокида конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференция Эрон Ислом инқилобининг 15 йиллигига бағишиланган эди. Конференцияга юқори сиёсий аҳамият берилди. 1995 йилда эса Техронда шу каби конференция ўтказилган бўлиб, унда Хиндистон, Бангладеш, Туркия ва Покистондан келган эронистлар ҳамда форс тили ўқитувчилари иштирок этган⁷. Конференциялар Ўзбекистон ва Эрон орасидаги илмий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

³ Dr Edward WASTNIDGE. Pragmatic politics: Iran, Central Asia and cultural foreign policy // RELIGION, CULTURE, AND SOCIETY. Volume 15 Issue 4 2014. – P. 125.

⁴ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варақ – 5.

⁵ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варақ – 25.

⁶ Кляшторина В.Б. Культурно-политическая доктрина ИРИ в регионе (90-е гг.). // ИСЛАМСКАЯ РЕСПУБЛИКА ИРАН В 90-Е ГОДЫ (ЭКОНОМИКА, ПОЛИТИКА, КУЛЬТУРА). – Москва, 1998. – С. 71.

⁷ Кляшторина В.Б. Культурно-политическая доктрина ИРИ в регионе (90-е гг.). // ИСЛАМСКАЯ РЕСПУБЛИКА ИРАН В 90-Е ГОДЫ (ЭКОНОМИКА, ПОЛИТИКА, КУЛЬТУРА). – Москва, 1998. – С. 75.



1996 йил Бухорда Юнеско йўналиши бўйича бўлиб ўтган “Буюк ипак йўлини тиклаш, туризмини ривожлантириш ва маданий мероснинг қайта туғилиши” мавзусида ҳалқаро анжуманда Эрон томондан ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги ниятлари ифодаланган нутқи ижро этилди⁸.

Айни йилда Кинематографчилар уйи кўргазма залида ташкил этилган Эрон санъат асарларининг экспозицияси икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларнинг жонланаётганидан далолат беради⁹. Бундай кўргазмалар нафақат миллий санъат намуналарини намоён этиш, балки ҳалқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш, эстетик мулоқот ва маданий дипломатияни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Эрон санъати ўзининг чуқур маънавий, декоратив ва тарихий услублари билан машхур бўлиб, унинг Ўзбекистонда намойиш этилиши икки томонлама маданий ҳузурланиш имкониятини яратди.

1998 йилда Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуасини безаш ишлари доирасида Ўзбекистоннинг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ходимлари — Б. Усмонов, А. Раҳмонов, Р. Маърупов ва Э. Нуруллаевлар Эрон Ислом Республикасига бир неча бор хизмат сафари уюштиргани, икки мамлакат ўртасидаги амалий маданий-техник ҳамкорликнинг юзага чиққани кўрсатади¹⁰. Мазкур сафарлар Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини тиклашда Эроннинг бой меъморий анъаналари ва исломий безак санъати соҳасидаги тажрибасидан фойдаланишга қаратилгани билан аҳамиятлиdir.

1999 йил 12 июль куни Ўзбекистон Давлат санъат музейида ўтказилган “Замонавий Эроннинг тасвири” (“Современная живопись Ирана”) номли кўргазма икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада

⁸ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 25.

⁹ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 25.

¹⁰ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 26.



мустаҳкамлашга хизмат қилган мухим воқелик ҳисобланади¹¹. Аёллар йилига бағишилаб ташкил этилган мазкур тадбир нафақат икки халқ ўртасидаги маданий мулоқотни, балки гендер мувозанати ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини санъат орқали намоён этишга қаратилган мултидисциплинар ёндашувни кўрсатади.

Кўргазмада 10 нафар эронлик рассомнинг 79 та асари — рангтасвир, графика ва миниатюралар орқали Эрон тасвирий санъатининг турфа йўналишлари ва услубий ўзгаришлари намоён этилди¹². Бу асарлар фақат эстетик қадриятларни эмас, балки замонавий Эрон жамиятининг маънавий ва ижтимоий масалаларини ҳам ёритиб берган. Миниатюра ва графика каби анъанавий жанрларни замонавий шаклда тақдим этиш Эрон санъатининг анъана ва модернизм ўртасидаги уйғунликни сақлаб қолаётганини кўрсатади.

Кўргазманинг расмий очилиш маросимида Эроннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Муҳсин Покойиннинг сўзга чиқиши, бу тадбирнинг фақат маданий эмас, балки дипломатик аҳамиятга ҳам эга эканини тасдиқлайди

2000–2003 йиллар давомида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиди. Жумладан, 2000 йил 10–11 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида Эронда қатнашиши, мамлакатнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этишга интилаётганини кўрсатди¹³. Бу ташабbusлар нафақат иқтисодий алоқаларни, балки сиёсий мулоқотни кенгайтиришга хизмат қилган.

2002 йилда Эрон Президенти Муҳаммад Хотамийнинг расмий ташрифи ва 2003 йилда Ислом Каримовнинг жавоб ташрифи икки томонлама муносабатларда олий даражадаги сиёсий ишончни

¹¹ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 26.

¹² Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 26.

¹³



мустаҳкамлади¹⁴. Бундай мунтазам ташрифлар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқотни институционаллаштириш билан бирга, муносабатларни шартномавий-хуқуқий асосда тизимлаштиришга олиб келди. Айнан шу даврда имзоланган келишувлар дипломатик, иқтисодий, маданий ва хавфсизлик соҳаларидағи ҳамкорликни барқарор ва узвий йўлга кўйиш учун замин яратди.

Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги бу алоқалар, бир томондан, геосиёсий манфаатлар (Эрон орқали ҳалқаро транспорт ва энергетика йўлакларига чиқиши), иккинчи томондан, урф-одат ва исломий цивилизацияга оид умумийликлар асосидаги стратегик шериклик ривожланишини акс эттиради. Президентлар даражасидаги учрашувлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни юқори даражада ривожлантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

2000 йилда, Ўзбекистонда улуғ алломалар Бурҳониддин Марғилоний ва ал-Мотуридийлар таваллудига бағишлиланган ҳалқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистондаги улуғ алломалар Бурҳониддин Марғилоний ва Имом Мотуридийнинг таваллудларига бағишлиланган ҳалқаро конференциялар мамлакатимиз илмий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу тадбирлар маданий меросимизнинг аҳамиятини ёритиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳисса қўшиш ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган эди. 2000 йилнинг 16 ноябрь куни Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида Бурҳониддин Марғилонийнинг таваллудининг 910 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган уламолар, олимлар, кўпгина давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, ҳалқаро ташкилотларнинг вакиллари, давлат арбоблари иштирок этдилар. Шу жумладан,

¹⁴



конференцияда Эронлик олим Саййид Содиқ Сажжодий “Марғилон тарихидан лавҳалар” номли маъruzаси билан иштирок этди¹⁵.

2000 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Эрон Миллий кутубхонаси ўртасида амалга оширилган китоб алмашинуви икки давлат ўртасидаги маданий ва илмий-гуманитар ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлди. Ўзбекистон томонидан тақдим этилган 200 дона китоб — ижтимоий мавзулардаги, ўзбек тилида XX асрда чоп этилган асарлар — нафақат адабий мерос, балки мамлакатнинг замонавий ижтимоий фикри ва маънавий тенденцияларини ҳам акс эттиради¹⁶. Бу жиҳатдан олиб қаралганда, кутубхона алмашинуви оддий маданий иш бўлибгина қолмасдан, халқлар ўртасидаги маънавий мулоқотни ривожлантиради.

Бунга жавобан, Эрон томони ҳам гуманитар фанларга оид 86 та илмий ва бадиий китобларни тақдим этгани, айниқса классик шоирлар асарлари орқали, ислом маданиятининг умумий илдизларини қайта тиклашга қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкин¹⁷. Бу каби алмашинувлар икки мамлакатнинг миллий кутубхоналари ўртасидаги институционал ҳамкорликни мустаҳкамлаб, адабиёт, фалсафа, тарих ва дин каби соҳалардаги ўзаро билим алмашувни кучайтиради.

Бундан ташқари, Эрон элчихонасининг “Сино” журнали ҳар бир сонини кутубхонага мунтазам юбориб бориши — маданий дипломатиянинг доимий ва тизимли шакли бўлиб, замонавий Эрон илмий-тадқиқот мухитининг тарғиботини таъминлайди¹⁸. Бу тадбирлар нафақат икки томонлама алоқаларни, балки халқаро китобхонлик, илм-фан ва маърифат соҳаларидағи фарҳанглараро мулоқотни рағбатлантиришда мухим аҳамият касб этади.

¹⁵ Сажжодий С. Марғилон тарихидан лавҳалар // Hidoyat, № 11-12. 2000. - Б. 24.

¹⁶ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 26.

¹⁷ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 27.

¹⁸ Ўз МА, фонд – М-7, рўйхат – 1, иш – 724, варак – 26.



2002 йил – Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари – ҳалқаро ташкилотлар, ҳусусан БМТ, ИКТ, ИХТ доирасида изчил фаолият олиб боришига қаратилди¹⁹.

Шу йиллар маданий ва маърифий соҳаларда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида икки томонлама алоқалар чекланган ҳарактерга эга эди. Бундай ҳол юзага келишининг асосий сабаби – Эрон томонининг ушбу ҳамкорлик йўналиши доирасида ўзининг мафкуравий тарғиботини амалга ошириши эҳтимоли мавжудлигида бўлган²⁰. 2002 йил Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги маданий алоқалар асосан Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий -маърифий алоқалар жамиятлари Кенгashi ҳузурида таъсис этилган “Ўзбекистон-Эрон” дўстлик жамиятининг фаъолияти доирасида олиб борилди²¹.

Шундай бўлсада, 2002 йил 30–31 январ кунлари Техрон шаҳрида муҳим ҳалқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Эрон, Ўзбекистон, Афғонистон ва бошқа минтақа давлатлари вакиллари иштирок этди. Анжуман мақсади Марказий Осиёни Форс кўрфази ва Араб денгизидаги портлар билан боғлайдиган транспорт йўлакларини ривожлантиришдан иборат эди²². Келишув доирасида Ўзбекистондан Афғонистон орқали Эронгача темир йўл қуриш имконияти муҳокама қилинди. Режалаштирилган темир йўл йўналиши Термез - Мозори-Шариф - Хирот - Эрон бўйлаб ўтиши керак эди.

2002 йилнинг 26–28 апрель қунлари Эрон Ислом Республикаси Президенти Сайд Махмуд Хотамийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи амалга оширилди²³. Бу ташриф икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига, шунингдек, маданий, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишига замин

¹⁹ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 204.

²⁰ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 199-200.

²¹ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 203.

²² Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 172.

²³ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 111.



яратди. Эрон Ислом Республикаси ташаббуси билан “Тамаддунлараро мусоҳаба” лойиҳаси, яъни «Цивилизациялар ўртасидаги мулоқот» ташкил этилиши режалаштирилди²⁴.

«Тамаддунлараро мусоҳаба» лойиҳаси доирасида бир қатор ҳалқаро конференциялар, симпозиумлар ва маданий тадбирлар ташкил этилди. Эроннинг Техрон шаҳрида ҳар йили «Тамаддунлараро мусоҳаба» мавзусида ҳалқаро конференция ўтказилиб, унда турли мамлакатлардан олимлар, сиёсатчилар ва маданият арбоблари иштирок этдилар. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси ҳар йили 15 майни «Маданиятлар ўртасидаги мулоқот куни» сифатида нишонлашга қарор қилди. Бу кун дунёдаги турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳурматни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказиладиган кун ҳисобланади.

Томонлар ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки миллат ўртасидаги ҳамкорлик даражасидан қониқиши изҳор этиб, бундай ҳамкорликни, БМТ, ИКТ ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)да мустаҳкамлаш заруратини тасдиқладилар²⁵.

2004 йил – Техронда “Ўзбек маданияти кунлари” ташкил этилди.
Ўзбекистон миллий мусиқа ва рақс ансамбли Эронда гастролда бўлди.

2006 йил – Икки давлат ўртасида маданий, таълимий ва илм-фан соҳасида ҳамкорликка оид янги меморандум имзоланди.

2006 йил 21 август куни эса эронлик меҳмонлар Имом Бухорий номли Тошкент Ислом институтида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишишиди. Институт ректори Абдуқаюм Азимов меҳмонларга институт тарихи, бугунги таълим жараёни ҳақида батафсил сўзлаб берди. Суҳбат аноссида Маҳмуд Муҳаммадий Эроқий жаноблари Ўзбекистоннинг азалдан дин ва илм-маданият маркази бўлиб келгани, бу юртдан бутун жаҳон тан

²⁴ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 114.

²⁵ Ўз МА, фонд – М-37, рўйхат – 1, иш – 7327, варақ – 111.



олган Имом Бухорий, Термизий, Замахшарий каби атокли алломалар чикқанини фаҳр билан эслади. Шунингдек, Эрон президентининг суннийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлавий Исҳоқ Маданий жаноблари Эрон Ислом уни-верситетида тўрттала мазҳаб таълимотлари ҳам дарслик сифатида ўқитилаётганини, Эрондаги барча диний-илмий марказлар Ўзбекистондаги шундай марказлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлаб ўтди²⁶.

2006 йил 22 август куни эса Эрон маданият ва исломий алоқалар ташкилоти раиси Маҳмуд Муҳаммадий Эроқий ва мамлакат президентининг суннийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлавий Исҳоқ Маданийлар Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Фатҳали ҳамроҳлигида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюришди²⁷.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Осиё ва Африка давлатлари билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси биринчи котиби Носир Ғиёсов иштирок этди. Учрашувдан сўнг меҳмонлар идора кутубхонасида бўлиб, ҳазрати Усмон Мусқафини зиёрат қилишди; нодир қўлёзма китоблар билан танишишди²⁸.

Лекин бу ташрифни чет эл мутаҳассислари салбий баҳолаб, Эрон Ислом Маданиятини Тарғиб Қилиш Ташкилоти (ICRO)нинг Ўзбекистондаги фаолияти Тошкентдаги Эрон элчихонаси доирасида чекланган ҳолда амалга оширилишини ва бу фаолият нисбатан кам қўламлилигини таъкидлаганлар. “ICRO раҳбари Муҳаммадий-Эроқий 2006 йилда Марказий Осиё бўйлаб сафари доирасида Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрган, у ерда маданий ва диний арбоблар билан учрашган, аммо юқори лавозимдаги расмийлар билан учрашмаган” деб фикр билдирган доктор Dr Edward WASTNIDGE²⁹.

²⁶ Фуломов С. Эрон элчисининг ташрифи // Hidoyat, № 9. 2006. - Б. 18.

²⁷ Фуломов С. Эрон элчисининг ташрифи // Hidoyat, № 9. 2006. - Б. 18.

²⁸ Фуломов С. Эрон элчисининг ташрифи // Hidoyat, № 9. 2006. - Б. 18.

²⁹ Dr Edward WASTNIDGE. Pragmatic politics: Iran, Central Asia and cultural foreign policy // RELIGION, CULTURE, AND SOCIETY. Volume 15 Issue 4 2014. – P. 125.



2012 йил – Эронда Захириддин Мухаммад Бобурга багишиланган кўргазма ўтказилди. Ўзбекистонда эронлик олимлар иштирокида форс тили ва адабиётига оид тадбирлар ташкил этилди.

2017 йил – Икки давлат ўртасида маданий марказлар фаолиятини йўлга қўйини бўйича музокаралар ўтказилди.

2021 йил – Техронда “Ўзбекистон кино кунлари” ташкил этилди. Маданий ҳамкорликка багишиланган янги протоколлар имзоланди.

2023–2024 йиллар – Тошкент ва Машҳад шаҳарлари ўртасида “қўшима маданий лойиҳалар” амалга оширилди. Академик ҳамкорлик, тарихий меросни ўрганиши ва туристик алмашинувларни ривожлантириши йўналишида янги қадамлар ташланди. Айнан 2023 йилнинг 9 ноябр куни пойтахтимизда иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашуви бўлиб ўтди³⁰. Ўзбекистон ва Эрон раҳбарлари маданий-гуманитар ва илм-фан соҳасидаги алмашинувларни ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан Афғонистондаги бугунги вазият нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Хуносас:

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги маданий ҳамкорлик тарихий ва маънавий қийматларга асосланган бўлиб, бу муносабатлар Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида янада мустаҳкамланмоқда. Қўлёзмаларни муҳофаза қилиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, талабалар алмашинуви, кино ва театр соҳаларида ҳамкорлик, икки мамлакат ўртасидаги маданий мулоқотни янада бойитмоқда. Келгусида бу ҳамкорликни янги лойиҳалар,

³⁰ Ўзбекистон ва Эрон Президентлари икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлларини муҳокама қилдилар // Электрон ресурс: <https://president.uz/> Мурожаат санаси: 31.05.2025.



илмий экспедициялар ва халқаро тадбирлар орқали янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд. ИХТ доирасидаги маданий сиёсатда бу каби мисоллар кўп томонлама манфаат ва барқарор тараққиётга хизмат қилади.